



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz

2007 йил 7 ноябрь, № 220 (4373)

Чоршанба

Аббос АТОЕВ:

## «МЕНГА ХАЛҚИМИЗНИНГ ИШОНЧИ КУЧ БАҒИШЛАДИ»



Сервар ҲУМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

**АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида голиб чиққан 21 ёшли ўзбек йигити Аббос Атоев бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни яна бир қарра исботлади.**

Жорий йилнинг 23 октябрь — 3 ноябрь кунлари Чикагода ўтган жаҳон чемпионати энг кўп чарм кўлқоп устаси иштирок этган спорт мусобақаларидан бири бўлди. Мусобақаларда дунёнинг юздан ортқ мамлакатидан келган олти юз нафардан зиёд боксчи жаҳон чемпионати медаллари ва келаси йили Пекин шаҳрида бўладиган ёзи Олимпиада ўйинлари йўлланмасини кўлга киритиш учун куч синашди.

Бокс бўйича расмий жаҳон чемпионатлари 1974 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Кубанинг Гавана шаҳрида қирқ беш мамлакатнинг 242 нафар спортчиси иштирок этган илк жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакили Руфат Рискиев юртимиздан чиққан бокс бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида спортга катта эътибор берилганлиги туфайли Руфат Рискиев издошларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Турли спорт мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Артур Григорян, Ҳайдаровнинг ғалабалари шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янгради.

(Давоми 4-бетда).

Тошкентда 6 ноябрь кунини Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг (ЎзЛиДeП) қурултойи бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, мазкур партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ЎзЛиДeП фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг дастурий маърузаси тингланди. Маърузада мамлакатимизни ривожлантириш, демократик жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Сўзга чиққан делегатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берганлигини имтиёзли асосда лизингга бериш мудири 7 йилдан 10 йилгача узайтирилиши ҳам айтилди. Мен атайин қизиқиб кўрдим. Шу йилнинг ўтган даврида вилоятимиз фермерлари 267 та техника асосда лизингга техника бериш мудири узайтирилиши ҳам биз — фермерларга чинакам мадад вазифасини ўтайди.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа экани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан ЎзЛиДeП ўзи учун жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўтайдиган ушбу сайловда қатнашишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билади.

Ушбу партия ўз сафларида қарийб 150 минг кишини бирлаштирган, унинг Олий Мажлис қуйи палатасидаги фракциясида мазкур сиёсий партиядан сайланган 41 нафар депутат фаолият кўрсатди. Бу ЎзЛиДeП иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда етакчи куч бўлган тadbиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини ифода этувчи жиддий сиёсий кучга айланганидан далолатдир.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислоҳ Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қурултойда, шунингдек, мазкур сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

## ҲАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кичикойилларнинг замон талаблари даражасида тарбияланиши учун етарли шарт-шароит яратиб берилаётди.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида ҳам сезиларли ишлар бажарилмоқда. Жорий йилда Нўкус шаҳри, Чимбой ва Мўйноқ туманларида капитал реконструкция қилинган болалар боғчалари бутунлай янгича қиёфа касб этди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида энергетика ва табиий ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея қўшма қўмитасининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

## ҚЎШМА ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Унда икки мамлакатнинг нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, иқтисодиёт, банк-молия каби соҳаларида фаолият юритувчи қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г. Саидова Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг урдушуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб эълан қилинганлигини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, нефть-газ соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Мамлакатимизда табиий газ ва нефть қазиб олиш, етказиб бериш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Ўзбекистон нафақат МДҲда, бекки дунё мамлакатлари орасида ҳам табиий газ қазиб олиш бўйича олдинги ўринлардан бирида туради.

Корея Республикаси делегацияси раҳбари — тижорат, саноат ва табиий ресурслар вазирининг ўринбосари Ким Жонг Гван мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик кўлаб соҳалар қатори

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪТИБОР ВА ИМТИЁЗДАН МАМНУНМИЗ

Экин майдонларимизнинг бир қисми Варахша массивида жойлашган. Биласиз, чўлда ишлаш, деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша машаққати бор. Гарчи 2006 йил якунида ҳўжалигимиз 26 миллион сўм соф фойда кўрган бўлса-да, кўнглимизнинг бир четидан «Чўлдаги ерларимизнинг унумдорлиги нисбатан паст-да, акс ҳолда, даромадимиз салмоғи янада ошарди», деган фикр ўтгани бор гап.

Бу фикрнинг вилоятимиз экин майдонларининг жуда катта қисми жойлашган Қоровулбозор, Жилвон, Кутчи массивлари мисолида ҳам айтиш мумкин.

Ҳосилдорлиги паст, сув таъминоти оғир ана шундай ерларда деҳқончилик қилиш маҳсулот таннархининг қимматлашуви ҳам олиб келади. Негаки, маданий ҳудуддан 30-35 километр олисда ишлашнинг ўзи бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Бухорода бўлиб, биз — фермерлар билан учрашганида, масаланинг шу жиҳатларига эътибор қаратгани, зарур тавсиялар бергани ёдимда. Кеча эса Президентимизнинг «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари

етиштирувчи фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу айтилишида миздаги гап бўлди. Чунки мелиоратив ҳолати ёмон, ҳосилдорлиги паст ерларда пахта ва галла

етиштираётган фермер ҳўжаликлари чиндан ҳам амалий ёрдамга, давлат мададига эҳтиёж сезишаётгани. Эндиликда молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратилиши кўчимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Қарорга мувофиқ, 2008 йилнинг 1 январидан бош-

лаб фермер ҳўжаликлари қишлоқ ҳўжалиги техникаларини имтиёзли асосда лизингга бериш мудири 7 йилдан 10 йилгача узайтирилиши ҳам айтилди. Мен атайин қизиқиб кўрдим. Шу йилнинг ўтган даврида вилоятимиз фермерлари 267 та техника асосда лизингга техника бериш мудири узайтирилиши ҳам биз — фермерларга чинакам мадад вазифасини ўтайди.

Ёқуб ФАТТОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер ҳўжалиги раҳбари.

### Дил сўзи

Чуст туманидаги 3-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Лайло Зайниддинова ажойиб иқтидор эгаси.

## Коинотга ошуфта Лайло

У бўш вақтининг асосий қисмини тумандаги техник ижодиёт марказида ўтказди. Бу ерда Лайло космик моделлар яратади. Яқинда бир гуруҳ тенгдошлари билан космик моделлаштириш бўйича «Бойкўнғир» космодромда ташкиллаштирилган 1-Осиё очик чемпионатида қатнашиб қайтди. Нуфузли халқаро мусобақада дунёнинг 18 та давлати вакиллари сафида майдонга тушган чустлик ёш техниклар турли даражадаги бешта медални кўлга киритишди. Беш номинацияда голибликка эришган Л. Зайниддинованинг космик моделлар нусхаси энг яхши натижа кўрсатиб, муалифига Осиё чемпиони унвонини олиб берди. Лайлонинг устози Зайниддин Нажмиддиновнинг лойиҳаси эса катталар ўртасидаги баҳса иккинчи ўринни эгаллади.

Швейцария халқаро аэрокосмик федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган халқаро биринчиликда мамлакатимиз терма жамоаси фарҳли иккинчи ўринни кўлга киритди. Ғалабага муносиб ҳисса қўшган чустлик ёш техниклар келгуси йили Испанияда бўладиган космик моделлаштириш бўйича XVII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## МАМЛАКАТ буйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Илғор технологиялар, фойдали битимлар

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспонар-каз»да «Кимб, пластмасса, резина — ChemPlastAsia — 2007» Марказий Осиё халқаро кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда «ITE Uzbekistan» кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди. Тадбирда Хитой, Германия, Россия, Нидерландия, Жанубий Корея, Украина, шунингдек, мамлакатимиздаги салкам 30 та фирма ва компания ўз маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Навоий шаҳридаги «Аква-Тўдакўл» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасида тайёрланаётган балик маҳсулотлари қисқа фурсатда ўз харидорини топди.

Бу ерда Тўдакўл сув хавзасидан келтирилган баликлар қайта ишланиб, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги савдо нуқталарига етказиб берилмоқда. Корхона маҳсулотларига россиялик истеъмолчилар ҳам қизиқиб билдирмоқда.

— Ўтган йили Нижний Новгород шаҳрига 73 тонна маҳсулот жўнатган эдик, — дейди қўшма корхона директори Шохруҳ Но-

ров. — Жорий йилнинг ўтган давридаги экспорт ҳажми 37 минг АҚШ долларини ташкил этди. Йил охиригача яна 100 тонна маҳсулотни экспортга чиқармоқчимиз. Корхонамизда қарийб 100 киши иш билан таъминланган.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири.

## Халқаро анжуман

Самарқандда «Адвокатларнинг замонавий ҳолати, муаммо ва ривожланиш истиқболлари» мазмунида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси ва Москва вилояти адвокатлар палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда юртимиз ва россиялик адвокатлар билан бирга Литва, Латвия, Қозғоғистон ва Озарбойжон республикаларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Конференциянинг очилиш маросимида республика Адлия, Ички ишлар вазирлиги вакиллари сўзга чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят қонунчилигини либераллаштириш ва бу жараёнда адвокатларнинг ролини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр кўришди.

Абдурусул САТТОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа арафасида турибди. Шу йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтади.

Бундан ташқари, сайловчиларни рўйхатга олиш келгусида овозларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда қворум бўлиши эҳтимолини аниқлаш, сайловчиларнинг умуман мамлакат бўйича ва округлардаги сонини аниқ белгилаш имкониятини беради.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ

сайлов жараёнининг муҳим босқичи

Сайлов қончилигига кўра, мазкур вазифа сайлов жараёнининг асосий босқичларидан бири ҳисобланади ва рўйхатни тузиш участка сайлов комиссияларининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Рўйхатга олишга ҳам тааллуқлидир. Жаҳон амалиётида сайловчиларни рўйхатга олишнинг учта тури мавжуд: улардан биринчиси, сайловчиларни мажбурий тарзда давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, сайловчиларни рўйхатга олиш келгусида овозларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда қворум бўлиши эҳтимолини аниқлаш, сайловчиларнинг умуман мамлакат бўйича ва округлардаги сонини аниқ белгилаш имкониятини беради.

Манинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Албатта, ўринли савол туғилиши мумкин: "Сайлов ҳуқуқига қимлар эга эканлиги қонунларимизда кўрсатилган-ку...". "Сайлов қўни участка сайлов комиссиясига келиб, ўз шахсини тасдиқлаб, овоз бериб қетавериши мумкин-ку...". "Нима учун фуқароларни сайловчилар рўйхати билан таништириш лозим?"

Мажбурий тарзда рўйхатдан ўтказишда тегишли давлат органлари фуқароларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар асосида рўйхатлар тузилади.

сонини ҳақидаги маълумотлар аҳамиятга эришилади.

Манинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Бундай саволларга жавоб топшиш учун Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларимизга мурожаат қилиш лозим. Уларда фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқлари ҳар томонлама қамалган.

Кайд этилган ҳолда рўйхатдан ўтказишда эса сайловчиларнинг рўйхатига мўйин мўддат олдидан (одатда, сайловларга бир йил олганда) тузилади, шундан сўнг уларга ўзгартиришлар киритилмайди.

Сайловчиларни ихтиёрий тарзда ёки қайд этилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш тартиби эса бундай афзалликлари беролмайди. Масалан, сайловчилар ўзларининг ихтиёрий тарзда рўйхатдан ўтишларида ким мана шу жараёндан ўтган бўлсагина овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади, қайд этилган ҳолда рўйхатдан ўтказишда эса ўша мўйин округ ёки мамлакатнинг ўз аҳолиси бўлмаган шахсларнинг номлари ҳам сайловчилар рўйхатига кириб қолиш эҳтимоли юқори бўлади.

Пировадиди шунингдек, қайд этилган ҳолда рўйхатдан ўтказишда сайлов қўнига қадар ёки сайлов қўни белгиланган ёшга етиб овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳам бундай рўйхат тузиб бўлингандан сўнг сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

Ҳар бир мамлакатнинг сайловга оид қонун ҳужжатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Чунинчи, бу сайловчиларни

Ихтиёрий равишда рўйхатдан ўтказиш сайловчиларнинг ўзи тегишли органга келиб, рўйхатдан ўтиши кераклигини аниқлади. Одатда, рўйхатдан ўтказишга келмаганлиги учун сайловчиларга қарши ҳеч қандай қатъий жазо қўрилмайди.

"Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, сайлов қўнига қадар ёки сайлов қўни 18 ёшга тулган, рўйхат тузилаётган вақтда мўйин сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилди.

Т. АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси.

Қўшма Қўмига Мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энергетика тармоғида ҳам жадвал ривожланиб бораётганини қайд этиди. Хусусан, Президент Исом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи асносида "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланган эди.

Илғор технологиялар, фойдала битимлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрғазма павильонларидан қимё, нефть саноати учун ҳам ашё ва ускуналар, технологиялар, назорат-ўлчов асбоблари каби 40 дан зиёд экспозиция жой олган. Пластмасса ва резина бўлимида эса қачуқни қайта ишлаш учун техника ва ускуналар, экстрадур ва экстраузон қурilmалар, компрессорлар, турли хом ашёлар намойиш қилинмоқда.



Технология жиҳозлаш бўйича тасдиқланган 9 та лойиҳанинг амалга оширилиши ҳисобига пўлат ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилга бориб, 2006 йиллардагига нисбатан 12,7 фоизга, навли прокат ишлаб чиқариш эса 12,3 фоизга ошди.

Ғамхўрликнинг Амалий Ифодаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Беруний туманидаги 55 та мактабга таълим муассасасида икки мингдан ортиқ жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. Яқинда туман халқ таълими бўлимига қарашли 18-болалар боччаси биноси ҳам капитал реконструкция қилиниб, замонавий қўйларда фойдаланишга топширилди.

Таъкидлаш жоизки, кўрғазма иштирокчиларини мамлакатимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган ранг-баранг маҳсулотлар намуналари беради қолдирмаётир. Зеро, кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори, қимё саноатида ҳам тул ўзгаришлар юз берди. Мисол учун, хозирда тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ёки бўлмаса, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида қишлоқ ҳўжалик тузилмаларига 512,6 минг тонна минерал ўғит етказиб берилди.

3 мингта яқин фойдала қазилма конлари аниқланган. Эътиборлиси, 2007-2010 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган бир-бирига боғлиқ, Қолаверса, айнан, икки соҳа кишилари кўрғазма давомида ўзаро мулоқотга киришдилар, фойдала битим ва келишувларга эришдилар.

Сандолми ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: кўрғазма фойдаланиш лавҳалари. Темур ҚУРБОНОВ олган суратлар.

АСОССИЗ ТЕКШИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда тadbиркорларга кенг имкониятлар яратилмоқда, имтиёзлар берилмоқда. Уларнинг янги ички маҳсулот ҳажмидаги улushiни ошириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги "Тadbиркорлик субъектларини текширишни янгида қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим ўрин тутди.

Зотан, Фармонда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тadbиркорлик субъектлари ҳар уч йилда бир марта режа асосида текширилиши, янги ташкил этилган субъектлар эса давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил мўбанида режа асосида текширувчилар "ғалвири"дан ўтказилмаслиги белгилаб қўйилган.

Қолаверса, бу ҳолатни вилоят ҳудудий комиссияси ҳузуридаги "Ишонч телефони"га ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бўлган мурожаатлардан ҳам қўйиш мумкин. Турли масалалар бўйича шикоятлардан бор-йўғи

Фармон ва ижро 13 таси режалар текширишларга тегишли эканлиги аниқланди. Қолганлари республикамиз ва вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор масалаларга оид бўлиб, уларга белгиланган тартибда жавоб қайтарилди.

А. ОРТИҚОВ, ҲА мухбири.

ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Ҳеч муболагасиз айтиш лозимки, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳўқуқли аъзоси сифатида қўллаб-қўлланган шартномаларга қўшилган ёхуд уларни ратификация қилган Ўзбекистонда шахснинг барча асосий ҳўқуқ ва эркинликлари амалда кафолатланган.

Инсон ҳўқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳўқуқига эга, дейилган. Халқаро шартнома-нинг ўша талаблари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги олдидан

7-моддасида белгиланган ҳамда қўйноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадриятсиз, ғайриинсоний ёки қадриятсиз амалларни қўлдан олиш бўлиб шартнома-нинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам ўз аксини топган.

ЯҚУН ВА РЕЖАЛАР

Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси Кенгагининг кенгайтирилган мажлиси жорий йилнинг ўтган 9 ойи мўбанида соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва IV қорда амалга ошириладиган вазифалар ижросига бағишланди.

Фермернинг Молиявий Таянчи

Жорий йил давомида улар томонидан қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ва фермерларга умумий қиймати 858 миллион сўмлик кредит ажратилди. Шунингдек, Германияда ишлаб чиқарилган «Класс Доминатор-130» русулли гаула ўриш қўмбайни, 9 та «МТЗ-80-10» трактори ҳам банк кредити ҳисобига харид қилинди.

Ҳамдам ШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН** 24 соат ичида  
**Ҳукумат истеъфога чиқди**

**Ярослав Качинский раҳбарлигидаги Польша ҳукумати истеъфога чиқди. Мамлакат конституциясига биноан, у янги бош вазир тайинлангунга қадар ҳукуматни бошқариб туради.**

Маълумки, шу йилнинг 21 октябрь куни мамлакатда бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловида «Ҳуқуқдорлик платформаси» партияси ғолиб чиққан эди. Энди шу партия етакчиси Дональд Туск ҳукуматга раҳбарлик қилади. Оммавий ахборот воситалари хабарларида айтилишича, мамлакат президенти Лех Качинский яқин вақт ичида Туск номзодини бош вазирликка тасдиқлаши мумкин.

**Нефть қувурида портлаш**



Яманда экспортга чиқариладиган нефтни Кизил денгиздаги терминалга етказиб берадиган қуёв портлаб юборилди. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, бу кўпуровчиликни Ямандаги қабилалардан бирининг аъзолари амалга оширган.

Хабарда теракт натижасида ҳалок бўлганлар ва жароҳат олганлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Маълумотларга қараганда, 2003 йили ҳам шундай воқеа юз берган эди. Бундан ташқари, қабилалар бирор масалани ҳукумат ҳал этмас, мазкур усул билан ўқ олишди.

Эслатиб ўтамиз, Яман ҳар кун 200 миң баррел нефть экспорт қилади.

**Реакторни тўхтатиш эвазига...**

**Кеча АҚШлик мутахассислар Корея халқ демократик республикасининг Йонбён шаҳридаги ядро реакторини тўхтатишга киришди.**

Реактор шу йилнинг охирига бориб ўз фаолиятини бутунлай тўхтатади.

Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Хитой, Япония ва КудР ўртасидаги олти томонлама шартномага асосан, ядро реактори тўхтатилиши эвазига мамлакатга 950 миң тонна мазут ёнилғиси етказиб берилиши керак. Бундан ташқари, АҚШ расмий Пхеньяни терроризмини қўллаб-қувватловчи мамлакатлар рўйхатидан чиқариши лозим.

**Иш ўринлари қисқармоқда**

Сўнги йилларда оғир иқтисодий инқирозни бошдан кечириётган Американинг Chrysler автоконцерни яна 10 миң хизматчини ишдан бўшатишни режалаштиряпти. Бундан сал аввалроқ автогигант раҳбарлари 13 миң ишчи ўрни қисқартирилишини маълум қилишган эди.

Chrysler автоконцернининг дунёда 24 та заводи бор. Корхона маҳсулотларига талабнинг камайиб кетиши уни инқироз ёқасига олиб келди. Концерн раҳбарлари энди иш ўринларини қисқартириш эвазига муаммони ҳал этишга уринишмоқда.

**Доллар эмас, евро**

Бразилиялик супермодель Жизель Бюндхен Procter & Gamble компаниясидан реклама пулларини АҚШ долларларида эмас, еврода тўлашни талаб қилди. Унинг таъкидлашича, долларнинг қадри 2001 йилдан буён 31 фоизга тушиб кетган.

Жизель Бюндхен дунёда энг кўп ҳақ тўланадиган моделлардан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда у 33 миллион доллар маблағ ишлади.

Маълумотларга қараганда, долларнинг қадри тўлашга тушаётган Жизель Бюндхен эмас. Ундан аввал жаҳонда энг бой одамлардан бири Уоррен Баффет, шунингдек, Pacific Investment Management облигация фонди бошлиғи Билл Гросс ҳам ўз маблағларини еврога ўтказиш тарафдори эканлигини билдирган эди.

**Қочиб қутулолмади**



Италиядаги Сицилия мафисининг раҳбари Сальваторе Ло-Пикколо қамоққа олинди. Махсус амалиёт чоғида унинг ўғли Сандро ҳам қўлга тушган.

Палермо шаҳри полицияси вакилининг таъкидлашича, 65 йилли Ло-Пикколо одам ўлдиргани учун қамалган ва 1998 йилда қамоқдан қочган эди. Шундан буён уни полиция қидирётган.

**Ульяновск автомобиль заводининг ўзбекистондаги расмий дилери «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ**

**Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини сотади.**

**ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР**

**Йўловчи ва юк ташувчи АВТОМАШИНАЛАР**

Шунингдек, фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажми УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобиллари УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Харидорлар диққатига! Автомобилларни лизингга, кредитга олиш бўйича акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг барча филиаллари мурожаат қилишингиз мумкин!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташув учун махсус УАЗ-39625.

Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

УАЗ Hunter

УАЗ Patriot Comfort

УАЗ Patriot Classic

УАЗ Patriot Limited

Тел./факс: 149-33-69, 150-20-43. Манзил: Тошкент ш., Беруний к., 83-уй.

**УСТАЛАР ҲАМ ЎЗИМИЗДАН**

Унда «Ўзавтотехизмат»нинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бўлимларидан келган усталар тўрт йўналиш бўйича ўзаро куч синашдилар. Автомобил двигателларини таъмирлаш бўйича навоийлик чилангар Толибжон Мухторов, харақатлини қисмини туза-тиш бўйича Тошкент шаҳридан келган уста Тохир Юнусов, электр қисмини сошлаш, автомобилларни Танлов бошқариш бўйича андижонлик Бахтиёр Хўжаев ва Ваҳоб Бўстонов пешқадамлар сифидан жой олишди.

Танлов қатнашчилари ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Унда наманганлик усталар биринчи ўринга лойиқ топилдилар. Кейинги совринли ўринлар қорақалпоғистонлик ва тошкентлик усталарга насиб этди.

Хандам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

очик аукцион савдоларига таклиф этади!

РКМБ Қашқадарэ вилояти филиали Суд департаментининг Қашқадарэ вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда 2007 йил 4 декабрь соат 10.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарэ вилояти филиали биносида аукцион комиссияси иштирокида объект бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

Қашқадарэ вилояти хўжалик судининг 2005 йил 21 сентябрдаги 18-0501/5480-сонли ижро варақасига асосан Касби тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, «Касби тумани МТП»га қарашли, Касби тумани Муғлон қишлоғида жойлашган, 1980 йилда қурилган, умумий майдони 403 кв.м. бўлган икки қаватли маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 41 000 000 сўм.

Ушбу мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Изоҳ: Мазкур савдода сотилмай қолган мулк 2007 йил 20 декабрь ва 2008 йил 8 январь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида қайта қўйилади.

**Аукцион савдоси шартлари**

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача Республика Кўчмас мулк биржаси Қашқадарэ вилояти филиали (Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй)да қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига ўз вақтида ариза берган ҳамда сотилаётган объект дастлабки баҳосининг 10 фоизи миқдориде зақалат пулини тўлган жисмоний ва юридик шахслар киритилади.

**Савдода қатнашиш учун керакли ҳужжатлар:**

1. Жисмоний шахслар учун — паспорт ва 10 фоиз зақалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция).
2. Юридик шахслар учун — корхона ёки фирма низоми, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ҳокимлик қарори, паспорт ва 10 фоиз зақалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси).

**Банк реквизитлари:** РКМБ Қашқадарэ вилояти филиали ҳисоб рақами 20210000200571452006, Қарши шаҳри «Асака» банки, МФО 00194, ИНН 200933850.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: 225-44-58.

Барча юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

**«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ**  
**МЕТЕРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР**  
**КЎРСАТИШ МАРКАЗИ**

2008 йил учун ўлчаш воситаларини мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш учун шартнома жадвалларини тузади.

Шартнома жадвалларини тузиш мuddати — 2008 йил 1 февралгача.

Маълумот учун телефонлар: 150-26-03, 150-26-02, факс: 150-26-15.

e-mail: metrolog@sarkor.uz.

**КОРХОНА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ**  
**ОМБОРДАН СОТАДИ**

**ЭМАЛ-СИМ**  
**ПЭТВ-2**

Электродвигателларни ремонт қилиш учун қалинлиги 0,25дан 1,8мм гача

Махсулот сертифициланган

Тел.: 267-37-62, 267-47-65

**Газ уағуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган «Qutpiniso» МЧЖ тугатилади. ОКПО коди 203683797.

Даволаар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Қатортол-Чўнота чорраҳаси.

**Феррум Лек — саломатликнинг темир қондаси**

Ҳар бир инсон, ҳатто у тиббиётни фақат оғрик қолдирувчи ва иситма туширувчи дорилар орқалигина тасаввур этса ҳам, камқонлик нима эканлигини яхши билади. Бугунги замон кишининг озиқ-овқати кўнгилдагиде ҳамда камқонликнинг олдини олиш мақсадиде ишлаб чиқариладиган оммавий дастурлар етарли бўлса-да, лекин мазкур касаллик домига тушганлар сони камаймапти.

Нима учун бундай бўлаётганини бир ўйлаб кўрайлик-чи.

Сиз катта шаҳарда яшаясиз. Ва, негадир, тушкун кайфият, бош айланиши, ҳолсизлик, нафас сиқиши, оёқ-қўлларнинг увушиши, терингизнинг сарғайиб кетиши ва уйқусизликдан азият чекаясиз.

Кичикинтой фарзандингиз нега ўз вақтини дивандан креслога ва креслодан диванга «кўчиш» билан ўтказаяпти? Уйин-кулгига ҳуши йўқ, серхархаша бўлиб қолган. Еки кечаси тиниқиб ухлаганига қарамай, кун яримадаёқ нега у толиқиб қояпти.

Сизнинг (9 ёшдан 18 ёшгача бўлган) ўсим фарзандингиз бор? Ўқув йили эндигина бошланган бўлса-да, ўқув юкласинини ўзлаштиришга қийналяпти.

Ёки ҳомилдорсиз ва сизнинг гемоглобинингиз жуда пасайиб кетган. Тугилажак гўдагингизнинг саломатлиги сизни ташвишлантирмоқда...

**Бу ҳолатлардан қандай қутулиш мумкин?**

Одатда, сиздаги бундай шикоятларни организмда темир моддасининг домий етишмаслиги келтириб чиқаради. Бунинг олдини олиш учун эса кўпчилик гўшт, олма ва анор истеъмол миқдорини ошириб, бу танқисликнинг ўрнини тўлдирса бўлади, деб ўйлайди. Уларнинг бу фикри тўри эмас. Энг тўғри ва мутаносиб тарзда овқатланиш организмда темир моддасининг ўрнини вақтинча тўлдирishi мумкин. Лекин организмда темир моддаси етишмас, ҳеч қандай парҳез бунга барҳам беролмайди. Анор шарбати ва греча аҳволни яхшилагани билан, дарддан сизни бутунлай фориғ этолмайди. Бемор камқонликнинг фақат шифокор назорати остида узок мuddат даволанадиган хасталик эканлигини тушуниши керак. Даволашнинг ўзи эса таркибиде темир моддаси бўлган дориларни қабул қилиш билан амалга оширилади. Афсуски, дорихоналардан таркибиде темир моддаси бўлган дори махсулотларини сотиб олганингиз билан улар аҳолининг энгиллаштирилади, дейиш мушкул. Ҳамма дорилар ҳам бирдай эмаслигини, уларнинг таркиби ҳамда улардан темир моддасининг ажралиб чиқishi давомийлигида фарқ борлигини билиш зарур. Аксарият дори махсулотлари дарҳол самара берса-да, кўпинча нохушликлар келтириб чиқариши мумкин. Одатда, бу дориларни наҳорга ичиш тавсия қилинади. Бу эса, кўпинча, кўнгилни айнаитади, қайт қилишга олиб келади, ошқозон атрофида ёқимсиз оғрик пайдо бўлиб, оғизда анчагача темир таъмини қолдиради. Шунинг учун кўпчилик, айниқса, ҳомилдор аёллар шундоқ ҳам уларни қийнайдиган токсикоз туфайли турли баҳоналар билан бундай дориларни ичишдан қочадилар, даволашни охиригача етказмайдилар ёки буюрилган дори-дармонларни мунтазам қабул қилмай, муолажа самарасига путур етказадилар.

Башарият тарихида мазкур касалликка даво излаган шифокорлар нималарни ўйлаб топилмади! Эрамиздан аввалги 1500 йили Грецияда шифокор Мелампас шахзода Ификлос Тезалийни камқонликдан халос этиш учун унга эски пичоқ тигининг зангини қириб, шаробга қўшиб ичирган. Буюк табиб Абу Али ибн Сино эса майиз ва темир зарраларидан дамлама тайёрлаган. Илм-фан жуда тез тараққий этган XX аср бошларида таркибиде темир (II) сульфати бўлган дорилардан кенг фойдаланилди. Бу дориларнинг салбий таъсири ҳамда бемор уларни кўп миқдорда қабул қила олмаслиги фанда янгиликларни излаб топшишга мажбур этди. Олимлар дори воситасидан фойдаланиб, темир ионлари камроқ ажраладиган, икки валентли темир моддаси бўлган янги дори махсулотларини ўйлаб топдилар. Чунки айнан темир ионлари туфайли жигар тўқимаси, ошқозон ва томирларга зарар етказиш эҳтимоли кўпроқ эди. Натижада, қобилланган ҳақдори (таблетка)лар пайдо бўлди. Аммо улар таркибиде ҳам ионлар мавжудлиги сабабли салбий таъсири буткул бартараф этиб бўлмади. Шунда олимлар табиятда учрайдиган темир бирикмалари молекуларини ўргана бошладилар. Натижада гидроксидполимальтоз комплекс молекуласи ихтиро қилинди. Унда темир моддаси ион ҳолатида эмас, балки бирикма ҳолида ва табиий ҳолатига максимал даражада яқинлаштирилди. Шу боис, у организмда яхши сўрилади.

Таркибиде темир моддаси бўлган дориларни ишлаб чиқish доирасидаги кашфиётлардан бири — **ФЕРРУМ ЛЕК** ўзида барча илмий натижаларни мужассамлаштиради. Бу дори хавфсиз бўлиб, хуштаъм соқолад мазасини беради, уни куннинг исталган вақтида, ҳатто, корин тўқлигида ҳам ичиш мумкин. Ушбу дорини болалар ҳам осонгина қабул қиладилар.

**ФЕРРУМ ЛЕК** ёрдамида сиз ўзингиз ва фарзандларингиз саломатлигига гамхўрлик қилишингиз мумкин.

Lek Pharmaceuticals d.d. (Сандоз гуруҳи, Швейцария) фармацевтика компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига мурожаат қилинг. Телефонлар: +99871 137-00-38, 137-00-69. Факс: +99871 137-06-92. [www.lek.si](http://www.lek.si)

6-260-95 №22599 05.12.03

